



АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ғозиева Мохира

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0006-6758-8007

moxira.gozieva@mail.ru

Аннотация. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари амалиётида асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ва ҳисобга олиш, дастлабки тан олишда ва ундан кейинги қайта баҳолаш, ҳаққоний қийматини аниқлаш, қадрсизланишини текшириш ҳамда уларга доир ахборотларни молиявий ҳисоботда тўғри ва ишончли акс эттириш масалаларига оид муаммолар кўзга ташланмоқда. Ушбу мақолада, биз асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисобининг амалдаги ҳолати ва уни такомиллаштириш масаласига батафсил тўхталиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериб ўтдик.

Калит сўзлар: узоқ муддатли активлар, асосий воситалар, эскириш, амортизация нормалари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Солиқ Кодекси, молиявий ҳисобот, қайднома, тан олиш, баҳолаш, ҳисобга олиш.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НАПРАВЛЕНИЯ ЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Ғазиева Мохира

Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация. В практике бухгалтерского учета организаций возникают проблемы, касающиеся расчета и учета амортизации основных средств, первоначального признания и последующей переоценки, определения справедливой стоимости, проверки на обесценение, а также корректного и достоверного отражения информации о них в финансовой отчетности. В данной статье подробно рассмотрено современное состояние учета амортизации основных средств и его совершенствование, а также предложены рекомендации по их улучшению.

Ключевые слова: долгосрочные активы, основные средства, амортизация, ставки амортизации, нормативно-правовые документы, Налоговый кодекс, финансовая отчетность, декларирование, признание, оценка, учет.

THE CURRENT STATE OF FIXED ASSETS ACCOUNTING AND DIRECTIONS FOR ITS IMPROVEMENT

Ghazieva Mohira

Tashkent State University of Economics

Abstract. *In the practice of accounting entities, problems are emerging regarding the calculation and accounting of depreciation for fixed assets, initial recognition and subsequent revaluation, determination of fair value, checking for impairment, and the correct and reliable reflection of information about them in financial statements. In this article, we have discussed in detail the current state of fixed assets depreciation accounting and its improvement, and have provided proposals and recommendations for its improvement.*

Keywords: *long-term assets, fixed assets, depreciation, depreciation rates, regulatory and legal documents, Tax Code, financial reporting, return, recognition, valuation, accounting.*

Кириш.

Маълумки, асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби субъектининг молиявий-хўжалик фаолиятида моддий-техник базани ташкил этувчи муҳим иқтисодий ресурслардан бири бўлиб, улар бизнес жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш, маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми ва сифати ошишини қўллаб-қувватлаш, харажатларни самарали бошқариш ҳамда субъектнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибadorлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи-назардан, бухгалтерия ҳисоби субъектлари инвестицион фаолликни ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва асосий воситаларни босқичма-босқич янгилаб боришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб боради. Ушбу жараёнларнинг самарadorлиги, аввало, уларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Чунки, тўғри ташкил этилган ҳисоб тизими бошқарув қарорларини қабул қилишда ишончли ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бугунги жаҳон иқтисодиётига глобаллашув жараёнлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС)нинг миллий ҳисоб тизимига жорий қилиниши ҳам бевосита асосий воситаларни тан олиш, баҳолаш, амортизация ҳисоблаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш амалиётини такомиллаштириш заруратини кучайтирмоқда.

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, бухгалтерия ҳисоби субъектлари амалиётида асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ва ҳисобга олиш, дастлабки тан олишда ва ундан кейинги қайта баҳолаш, ҳаққоний қийматини аниқлаш, қадрсизланишини текшириш ҳамда уларга доир ахборотларни молиявий ҳисоботда тўғри ва ишончли акс эттириш масалаларига оид муаммолар кўзга ташланмоқда. Шу ўринда, биз асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисобининг амалдаги ҳолати ва уни такомиллаштириш масаласига батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз. Чунки, асосий воситалар хўжалик фаолиятининг моддий-техник базасини ташкил этувчи, бухгалтерия ҳисоби субъектининг узоқ муддатли активлари таркибида муҳим ўрин тутадиган активлар ҳисобланади.

Фикримизни, тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган акциядорлик жамиятларида узоқ муддатли активлар таркиби ва уларнинг динамик ўзгаришлари таҳлили ҳам тасдиқлайди. Ўрганилган тадқиқот объектлари ичида энг юқори узоқ муддатли активлар ҳажмига эга бўлган жамият бу “Navoiyazot” АЖ ҳисобланади. Мазкур жамиятда узоқ муддатли активлар ҳажми 2026 йил бошида 12064617028 минг сўмга тенг бўлган. Бу кўрсаткич, 2022 йил бошига нисбатан 26,7 фоизга ёки 2025 йил бошига нисбатан 9,6 фоизга камайганлигидан далолат беради. Хусусан, “Navoiyazot” АЖда узоқ муддатли активлар ҳажмининг 2026 йил бошида 2022 йил бошига нисбатан 9,6 фоизга

пасайишини, жамиятда мавжуд асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси натижасида табиий равишда қийматининг камайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Умуман олганда, тадқиқ қилиб ўрганилган акциядорлик жамиятларида узоқ муддатли активлар ҳажмининг камайиш тенденцияси кузатилсада, уларнинг таркибида асосий воситалар улуши ўрганилган даврларда юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бевосита улар ҳажмининг камайиши эса, амортизация ҳисобига тўғри келмоқда. Бу эса, асосий воситалар амортизацияси ҳисобининг амалиётини тадқиқ қилиб ўрганиш ва унинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи.

Албатта, бугунги кунда хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ва ўқув-услубий асарларида узоқ муддатли активлар таркибига кирувчи асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш, уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттиришнинг назарий, ташкилий-услубий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилиб ўрганилган. Жумладан, Лытневанинг (2015) ёзишича, “Узоқ муддатли активларнинг бошланғич қийматини шакллантириш тартибидаги, шунингдек амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усулларидаги фарқларни бартараф этиш зарур. Мазкур тафовутлар вақтинчалик фарқларни келтириб чиқаради ҳамда улар фойда солиғи бўйича солиқ юкини маълум даврда ошириб, кейинчалик камайтиришга олиб келади. Мазкур муаммоларни амортизация сиёсати танловидаги чекловларни бекор қилиш орқали ҳал этиш мумкин. Яъни, амортизацияни ҳисоблашнинг турли усулларини эркин қўллашга рухсат бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, амортизация усуллари ва узоқ муддатли активларнинг бошланғич қийматини шакллантириш қоидаларидан қатъи назар, якуний натижада бюджетга тушадиган фойда солиғи суммаси ўзгармас бўлиб қолади”.

Бунда муаллиф узоқ муддатли активларни баҳолаш ва амортизацияни ҳисоблаш усулларидаги фарқлар, фақат вақтинчалик солиқ тафовутларини юзага келтириши, умумий ҳисобда эса, бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси ўзгармаслиги сабабли, бухгалтерия ҳисоби субъектларига амортизация сиёсатини танлашда кенг эркинлик бериш лозимлигини таъкидламоқда.

Richard Larkin ва Marie DiTommaso (2020) ўзларининг “*Long-lived assets, depreciation, and impairment*” асарида асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиб ўрганишган. Уларнинг таъкидлашича, амортизация асосий восита қийматининг оддий камайиши эмас, балки унинг фойдали хизмат муддати давомида тизимли тақсимланишини ифодалайди. Ушбу муаллифлар асосий воситаларга амортизация усулини танлашда, улардан олинадиган иқтисодий нафнинг тақсимланиш хусусиятларини ҳисобга олиш кераклигини айтишади. Агарда асосий воситадан кўрилаётган иқтисодий наф барқарор тарзда олинаётган бўлса, бир текис усулидан, акс ҳолда жадаллаштирилган амортизация ҳисоблаш усулларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади. Фикримизча, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда бундай ёндашув ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Чунки, жадаллаштирилган амортизация ҳисоблаш усуллари асосан жисмоний эмас, балки маънавий жиҳатдан тез эскирувчи асосий воситаларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Elliott, Elliottлар (2019) асосий воситалар амортизацияси ҳисобини 16-сонли БҲҲС талаблари асосида баён қилишади. Уларнинг таъкидлашича, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда унинг фойдали хизмат муддатини ва қолдиқ қийматини оқилона баҳолаш, амортизация усулини активдан кутилган иқтисодий нафга мувофиқ танлаш, амортизацияни асосий воситанинг ҳақиқий фойдаланиш интенсивлиги ва

иқтисодий фойда тақсимланишига мос бўлиши таъминлаш, асосий воситанинг ҳар бир муҳим компонентни алоҳида амортизация қилиш ҳамда қайта баҳолаш модели қўлланилганда амортизация ҳисобининг қайта баҳоланган қийматга мос равишда қайта ҳисобланиши таъминлаш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Рахимова (2025) асосий воситалар ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борган илмий изланишларида тадқиқот объекти сифатида танланган “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг асосий воситаларига амортизация ҳисоблаш амалиёти мунозарали эканлигини таъкидлайди. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига мувофиқ “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг ҳисоб сиёсатига асосий воситалари ҳисобини самарали ташкил этишда асосий воситаларни амортизациясини жадаллаштирилган усули МҲХСга мувофиқ, ҳар бир агрегатга алоҳида ҳисоблашни киритиш таклиф этилган.

Электр энергетикасида асосий воситаларни ҳисобга олиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисобот тегишли бўлимларига таъсир кўрсатадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. “Худудий электр тармоқлари” АЖ асосий воситаларни ҳисобга олиш учун МҲХСга мос келадиган амортизацияни ҳисоблашнинг тезлаштирилган усулини ҳар бир бирлик учун амортизацияни алоҳида ҳисоблаш билан амалга ошириш тавсия этилади”¹. Бунда муаллиф асосан 16-сонли БҲХСда белгиланган талабларни амалиётга тадбиқ этиш масаласига урғу беради.

Ташназаров (2019) эса, «Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида бир даврдан ортиқ хизмат қиладиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки маъмурий бошқарув жараёнида фойдаланадиган «мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар» таркибини стандарт талабларидан келиб чиқиб мустақил белгилашлари керак, деб ўйлаймиз. 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»да «мулк: ер, бино, машина ва асбоб-ускуналар»нинг халқаро стандартларга мувофиқ таркибий моддаларини келтириш ҳамда ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда кўп йиллик ўсимликларни биологик актив сифатида тан олиш тамойилларини белгиловчи стандарт ишлаб чиқиш керак. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ «инвестициявий кўчмас мулк» (080-сатр), «биологик активлар» (120-сатр) ҳамда «сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган узоқ муддатли активлар ва чиқиб кетаётган гуруҳлар активлари» (150-сатр) учун балансда алоҳида сатр ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз» деб таъкидлайди.

Болтаев (2023) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартибини бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларидаги фарқли жиҳатларини тадқиқ қилиб ўрганади. Тадқиқот натижалари асосида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартибини қиёсий таҳлил қилиб кўрсатиб беради. Шу билан бирга, муаллиф томонидан амалдаги Солиқ кодексида белгиланган нормалардан бухгалтерия ҳисоби мақсадларида юқори ёки паст нормалардан фойдаланиш ва уларнинг солиқ оқибатлари амалий маълумотлар асосида ёритиб берилган. Бироқ, муаллиф фақат қишлоқ хўжалиги фаолиятида фойдаланилаётган ҳосилдор ўсимликларга эскириш ҳисоблашда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатларининг қоидаларини мувофиқлаштириш тартибини асослаб беради.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мавзу бўйича тадқиқотлар олиб боришда халқаро молиявий ҳисобот стандартларининг концептуал асослари, Ўзбекистонда ва чет элларда узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг меъёрий асослари, хорижий ва маҳаллий иқтисодчиларнинг узоқ муддатли активларни дастлабки тан олиш, баҳолаш,

¹ Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (16-сон БҲХС) «Асосий воситалар» <https://lex.uz/uz/docs/6312360>.

ҳисобга олиш, амортизация ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқариш бўйича илмий ишлари ўрганилди. Илмий изланиш давомида маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, хужжатлаштириш ва икки еқлама ёзув усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодчи олимларнинг узоқ муддатли активлар таркибига кирувчи асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича ёндашувлари ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга эътибор қаратадиган бўлса, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 306-бандида² “Амортизация қилинадиган барча активлар (бундан номоддий активлар мустасно) бўйича амортизацияни ҳисоблаш келтирилган амортизациянинг энг юқори нормалари қўлланилган ҳолда тўғри чизиқли усул орқали амалга оширилади.

Солиқ солиш мақсади учун амортизация суммаси солиқ тўловчилар томонидан ҳар ойда аниқланади. Амортизация ҳар бир амортизация қилинадиган актив бўйича алоҳида ҳисобланади ҳамда унинг бошланғич қийматининг ва ушбу объект учун белгиланган амортизация нормасининг кўпайтмаси сифатида аниқланади. Албатта, асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммаси солиқ оқибатини келтириб чиқариши сабабли, Солиқ кодексида амортизациянинг энг юқори нормалари қўлланиши белгиланган. Яъни, Солиқ кодексида белгиланган нормалар солиқ солиш мақсадларида қўлланилади. Бироқ, бухгалтерия ҳисоби мақсадларида бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан амортизация сиёсатида бошқа норма ва усуллардан фойдаланилиши мумкин.

Маълумки, БҲМС бўйича молиявий ҳисобот тайёрловчи тадбиркорлик субъектларининг асосий воситаларига амортизация ҳисоблаш бўйича 5-сонли “Асосий воситалар” БҲМСда талаблар белгиланган. Мазкур БҲМСда белгиланган талабларга мувофиқ асосий воситаларга амортизация қўйидаги усулларни қўллаш асосида амалга оширилади³:

“а) амортизацияни бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;

б) амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси қўйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади:

а) икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

б) йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул).

Шунингдек, унда юқоридаги усуллар ёрдамида ҳисобланган амортизация суммаси асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация харажатлари сифатида тегишли харажатлар гуруҳига олиб борилиши белгиланган.

Айтайлик, тадқиқот объекти бўлган “Tahiatosh don mahsulotlari” АЖнинг бошланғич қиймати 316 525 010,53 сўм, жамғарилган эскириши 86 766 429,97 сўм бўлган биноси мавжуд. Мазкур бино учун АЖ солиқ кодексида белгиланган норма (5 фоиз) бўйича эскириш ҳисобланиши ҳисоб сиёсатида белгиланган. 2025 йилда бинога АЖ томонидан ҳисобланган эскириш суммаси 15 826 250,52 сўмни ташкил қилади.

Юқоридаги қоидага мувофиқ бино ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилса, ҳисобот даври учун ҳисобланган эскириш суммаси 15 826 250,52 сўм бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/4674902>.

³ Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар”. <https://lex.uz/docs/7058293>.

Дебет 2010 – “Асосий ишлаб чиқариш” счёти - 15 826 250,52 сўм;

Кредит 0220 – “Бино, иншоат ва узатувчи мосламаларнинг эскириши” - 15 826 250,52 сўм.

Агарда АЖ томонидан бино маъмурий мақсадларда фойдаланилса, унда ҳисобот даври учун ҳисобланган 15 826 250,52 сўм эскириш суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ҳисобга олинади:

Дебет 9420 – “Маъмурий харажатлар” счёти - 15 826 250,52 сўм;

Кредит 0220 – “Бино, иншоат ва узатувчи мосламаларнинг эскириши” - 15 826 250,52 сўм.

Худди шундай тартибда “Tahiatosh don mahsulotlari” АЖ бинодан фойдаланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган эскириш суммаларини амортизация харажатлари сифатида то фойдали хизмат муддати якунига қадар ҳисобга олиб боради. Фақат шуни унутмаслик керакки, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда қўлланилаётган усулдан қатъий назар (ишлаб чиқариш усулидан ташқари), ҳисобот даври учун ҳисобланган эскириш суммаси 1/12 қисми миқдорида ҳар ойда ҳисобга олинади.

Юқорида “Tahiatosh don mahsulotlari” АЖ мисолида кўрсатиб ўтганимиздек, тегишли асосий восита туркумига кирувчи асосий воситага ҳисобланган эскириш суммаси, мазкур асосий воситанинг эскиришини ҳисобга олувчи (0200) счётнинг кредитида, ундан фойдали хизмат муддати давомида фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда тегишли харажатларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган счёт билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

МҲХС асосида молиявий ҳисобот тузувчи тадбиркорлик субъектларида асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш 16-сонли “Асосий воситалар” БҲХСда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади. Хусусан, унда “Эскириш усули тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олинadиган келгуси иқтисодий нафлар қай тарзда сарфланишини акс эттириши керак.


Актив бўйича қўлланиладиган эскириш усули камида ҳар молиявий йилнинг охирида қайта кўриб чиқилиши керак ва, активда мужассамланган келгуси иқтисодий нафлар олиниши кутилаётган тарзда аҳамиятли ўзгариш пайдо бўлганида, ушбу ўзгарган тарзни акс эттириш учун қўлланиладиган усул ҳам ўзгартирилиши керак. Бундай ўзгариш бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш сифатида 8-сонли БҲХСга мувофиқ ҳисобга олиниши керак” лиги белгиланган.

16-сон БҲХСда асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг қуйидаги усуллари тавсия этилади (1-расм).

Мазкур тавсия қилинган усуллардан тадбиркорлик субъекти асосий воситалардан келгусида олинadиган иқтисодий нафнинг истеъмол хусусиятларини аниқроқ акс эттирадиган усулни танлаши ва уни ўзининг ҳисоб сиёсатида белгилаб қуйиши лозим.

Умуман олганда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га уйғунлаштириш доирасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 133-сон буйруғига 1-илова сифатида 5-сонли “Асосий воситалар” БҲМСнинг янги таҳрири тасдиқланган бўлиб, мазкур стандартда асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш, уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш бўйича талаблар 16-сонли БҲХС билан сезиларли даражада уйғунлаштирилган. Шу боис, уларнинг концептуал ва услубий асослари умумий жиҳатдан ўзаро мос келади. Бироқ, 5-сонли БҲМСда асосий эътибор “Бошланғич қиймат” моделига қаратилган бўлса, 16-сонли БҲХСда “Бошланғич қиймат” модели билан бир қаторда “Қайта баҳолаш” модели ҳам қўлланилиши назарда тутилган. Бу эса, 16-сонли БҲХСни 5-сонли БҲМСга нисбатан мослашувчан ва кенг қамровлилиги билан фарқланишини кўрсатади⁴.

⁴ 1-сонли БҲМС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати». <https://www.lex.uz/acts/7050497>



1-расм. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари

Тадқиқот объекти ҳисобланган “Tahiatosh don mahsulotlari” АЖда асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси 2026 йил бошида 20630375 минг сўмни ташкил этган бўлиб, мазкур кўрсаткич 2022 йил бошига нисбатан 8248042 минг сўмга ёки 66,6 фоизга, 2025 йил бошига нисбатан эса, 857152 минг сўмга ёки 4,3 фоизга ошганлигини кўрсатади.

“G‘alla-Alteg” АЖда ҳам асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммасида ўрганилган даврларда ўсиш тенденцияси кузатилади. Хусусан, бу кўрсаткич 2022 йил бошига нисбатан 9603316 минг сўмга ёки 31,2 фоизга, 2025 йил бошига нисбатан эса, 2667316 минг сўмга ёки 7,1 фоизга ортиб, 2026 йил бошида 40393082 минг сўмга етган.

“Navoiyazot” АЖда эса, асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммасида ўсиш суръати ўрганилган даврларда юқори бўлганлигини 2022 йил бошига нисбатан 4981562271 минг сўмга, 2025 йил бошига нисбатан эса, 1765998117 минг сўмга ёки 39 фоизга кўпайган ҳолда, 2026 йил бошида 6236382462 минг сўмни ташкил этганлигидан кўриш мумкин.

Тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бухгалтерия ҳисоби субъектларида ўрганилган даврларда жамғарилган эскириш суммасининг ортиб бориши асосан асосий воситалардан фойдаланиш муддатининг ортиб бориши натижасида юзага келганлигини кўрсатади.

Шу боис, тадқиқот объектларининг асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш борасидаги ёндашувлари тадқиқ қилиб ўрганилди. Жумладан, тадқиқот объекти ҳисобланган “Tahiatosh don mahsulotlari” АЖ ҳисоб сиёсатида жамият тасарруфида мавжуд барча асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306-моддаси талабларига мувофиқ белгилаб қўйилган. Яъни, унга кўра асосий воситаларнинг эскириш суммаси солиқ

қонунчилигида назарда тутилган амортизация нормалари асосида тўғри чизиқли усулда ҳисобланади. Шунингдек, жамиятда ҳисобот даври мобайнида ҳисобланган эскириш суммаси ҳар ойда 1/12 улушда харажат марказлари кесимида “Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш қайдномаси”да акс эттирилиб, бухгалтерия ҳисобида улардан фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда тегишли фаолият харажатлари таркибида тан олинади.

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олганда, “Tahiatosh don mahsulotlari” АЖда асосий воситалар амортизацияси ҳисоби амалдаги 5-сонли БҲМС ва Солиқ кодексида белгиланган талаблар асосида ташкил этилган бўлсада, мазкур ёндашувни тўлиқ самарали деб баҳолаб бўлмайди. Чунки, биринчидан, жамият томонидан Солиқ кодексида белгиланган амортизация нормаларининг қўлланилиши, асосий воситанинг амортизация қилинадиган қийматини қоплаш муддати билан унинг фойдали хизмат муддати ўртасида номувофиқлик юзага келтиради. Натижада, айрим ҳолларда асосий воситанинг амортизация қилинадиган қиймати тўлиқ қопланган бўлсада, унинг хўжалик фаолиятида қўлланилиши давом этаётганлиги кузатилади. Иккинчидан, жамиятда асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда қўлланилаётган “Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш қайдномаси” ахборот фойдаланувчиларини етарли даражада тўлиқ ва батафсил маълумотлар билан таъминламайди. Чунки, унда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, ойлар кесимида ва умумий жамғарилган эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати тўғрисида маълумотлар акс эттирилган холос. Яъни, асосий воситага амортизация ҳисоблашнинг бошланиш санаси, қўлланилаётган амортизация усули, эскириш суммасини аниқлаш ҳисоб-китоблари ва бошқа маълумотларни тақдим этмайди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатади, нафақат “Tahiatosh don mahsulotlari” АЖ, балки амалиётда бошқа бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан ҳам асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда амалдаги Солиқ кодексида белгиланган нормалар қўлланилмоқда. Бундай ёндашувнинг амалга оширилишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда: ҳисоб-китобларнинг оддийлиги ва соддалиги; солиқ тўловчи сифатида солиқ органлари билан юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олиш; бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган дастурий таъминотнинг Солиқ кодексида белгиланган нормаларга модификация қилинганлиги; бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида асосий воситалар амортизацияси ҳисобини уйғунлаштириш.

Фикримизча, мазкур ёндашув ҳар доим ҳам самарали ҳисобланмайди. Шу сабабли, бухгалтерия ҳисоби субъектлари асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда, улардан фойдаланиш мақсади, фойдали хизмат муддати, кутилётган иқтисодий наф ва бошқа таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда мустақил ва иқтисодий жиҳатдан асосланган ёндашувларни қўллашларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби субъектларида асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш жараёнида қуйидаги “Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш қайдномаси” шаклидан фойдаланишни таклиф этамиз. Фикримизча, мазкур шакл ҳар бир асосий восита тури бўйича эскириш ҳисоблашнинг бошланиш санаси, қўлланилаётган эскириш ҳисоблаш усули, ҳисобот даври боши ва охирига асосий воситанинг бошланғич қиймати, жамғарилган эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати, шу билан бирга, ойлар кесимида ва ҳисобот даври давомида ҳисобланган эскириш суммалари тўғрисида тўлиқ ва тизимлаштирилган ахборотни тақдим қилади. Бу эса асосий воситаларга доир ахборотларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ва шаффофлигини таъминлашга, шунингдек, асосий воситалар эскириши бўйича ҳисоб-китоблар аниқлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Boltaev A.S. (2023) *Improving the accounting of fixed assets*. Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 5, October. ISSN: 2181-1016.

Elliott, B., Elliott, J. (2019) *Financial Accounting and Reporting*. Financial Accounting and Reporting. Pearson Education, 19th Edition, 330-370 p.

Larkin, Richard & DiTommaso, Marie. (2020) *Long-lived assets, depreciation, and impairment*. 333-344. <https://doi.org/10.1002/9781119595984.ch21>.

Лытнева Н.А. (2015) *Бухгалтерский учет* / Н.А. Лытнева, Л.И. Малявкина, Г.В. Федорова. –М.: Инфра-М., - 512 с.

Рахимова Г.М. (2025) *Асосий воситалар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати*. – Т.: – 26 б.

Ташназаров С.Н. (2019) *Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати*. – Т.: ТМИ, – 21 б.